

**АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК СПОРТ МУРАББИЙЛАРИНИ  
ГУРУХ АЪЗОЛАРИ ОРАСИДАГИ ЗИДДИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ  
10.53885/edinres.2022.82.14.079**

**С.У.ИБРАХИМОВ,  
ЎзПФИТИ докторанти,  
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Мураббий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлардан бири - зиддиятларнинг сабабларини излашдир. Чунки, зиддиятлар спортчиларни бир-бирларига қарши курашга ундайди. Шунинг учун ҳам, ўқитувчи зиддиятнинг вужудга келиш сабабларини бартараф этмасдан туриб, унинг ечимини топиши мумкин эмас. Агар қарама-қарши томонлардан бирининг манфаатлари қондирилмаса, зиддият янгича тарзда намоён бўлиши мумкин.

Спортчи ўқувчи ва талабалар орасидаги зиддиятларнинг психологик белгилари ҳам мавжудки, мураббий уларни ўз вақтида фарқлай олиши лозим. Мазкур психологик белгилар зиддиятнинг вужудга келишидан далолат беради. Зиддиятнинг қуйидаги белгилари мавжудлигини психологлар ажратиб кўрсатганлар (Т.С.Сулимова[1]):

- бошқа гуруҳдошларига қарши бўлган ҳаракатларни амалга оширишлари;
- зиддият жараёни субъектлари бўлган спортчилар учун эҳтиёжларнинг долзарблашуви;
- гуруҳдошига моддий, маънавий зарар етказишнинг режалаштирилганлиги;
- спортчи ўқувчи ва талабаларнинг юқори даражадаги руҳий босимларга дуч келишлари;
- муваффақиятсизликларнинг сабабчиси сифатида ўзларига рақиб деб билган шерикларини тушунишлари;
- қайсидир шеригига нисбатан салбий муносабатнинг таркиб топиши;
- ўз гуруҳдошига нисбатан душманликнинг намоён бўлиши;
- спортчи ўқувчи ва талабаларнинг ўз ҳис-туйғуларини бошқара олмасликлари, хулқ-атвор қоидаларига амал қилмасликлари, кечинмалари билан фикрлари орасидаги тафовутнинг яққол намоён бўлиши;
- фаолликнинг барча турлари уйғунлашуви;
- зиддиятли муносабатларни ўзаро муносабатларнинг бошқа шаклига кўчириш кабилар.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, зиддиятларнинг вужудга келиш сабаблари турли-туман шаклларда намоён бўлади. Шу тариқа, спортчи ўқувчи ва талабалар орасида вужудга келадиган зиддиятларнинг сабаблари ўз мазмунига кўра турличадир. Спортчилар орасидаги зиддиятлар субъектив ҳамда объектив характерга эга. Уларнинг асосини ички ҳамда ташқи қарама-қаршилиқлар ташкил этади. Мураббий зиддиятнинг сабабларини билиш асосида нафақат унинг манбаларини аниқлайди, балки зиддиятли вазиятларни бартараф этиш усулларини қўллаш имкониятига ҳам эга бўлади. Мураббий зиддиятларнинг қайси турга мансублигини аниқлаш асосида уни бартараф этиш чора-тадбирларини қўллайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муайян табиий характерга эга бўлган зиддиятлар алоҳида сабабларга эга бўлади. Бундай зиддиятлар педагогик жараёнда амалда учрамайди.

Мураббий зиддиятларнинг сабабларини билиш асосида зиддиятли вазиятларни бошқариш ва бартараф этишга йўналтирилган фаолият тажрибасини эгаллайди. Ҳар қандай ўзаро қарама-қарши қарашларнинг характери ташқи муҳит таъсирида аниқланади. Чунки, ташқи муҳит зиддиятнинг келиб чиқиш шароитларини белгилайди.

Мутахассислар зиддиятнинг келиб чиқиши билан боғлиқ қуйидаги шароитларни ажратиб кўрсатганлар (Т.С.Сулимова [1], Кузьмина Н.В.[2] ва бошқалар):

- вақт ва жой билан боғлиқ зиддиятлар, зиддиятнинг жой билан боғлиқ тавсифи - бу унинг вужудга келиш ва намоён бўлиш соҳасидир. Бунга зиддиятнинг вужудга келиш шартлари ва сабаблари ҳам киради. Зиддиятлар намоён бўлишининг аниқ шакллари, натижалари, зиддиятни ҳаракатлантирувчи воситалари мавжуд бўлади, чунки улардан зиддият жараёни субъектлари бўлган спортчи ўқувчи ва талабалар фойдаланадилар. Зиддиятнинг вақт билан боғлиқ тавсифи узоқ муддатли, қисқа муддатли, такрорланувчан, ҳар бир спортчининг зиддиятга иштирок этиш давомийлиги кабиларда намоён бўлади.

- ижтимоий психологик жиҳатдан, зиддиятга киришувчи спортчилар орасидаги муҳит, ўзаро муносабатларнинг тури ва даражаси, зиддият иштирокчиларининг ҳолати ва қарама-қаршилиқ даражасида кўринади.

- ижтимоий жиҳатдан, турли спортчилар манфаатларини зиддиятли вазиятларга жалб этилиши кабилар.

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

Спортчилар орасидаги зиддиятларнинг кўрсатиб ўтилган турлари ва уларни қисмларга бўлишга оид билимлар, уларнинг олдини олиш ва мавжудларини бартараф этиш имконини беради.

Зиддиятли вазиятларнинг белгилари – унинг иштирокчилари тавсифи орасидаги ўзига хосликнинг ифодаланишидир. Зиддиятли вазиятлар ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради:

1) спортчиларнинг зиддиятлар жараёнида ўзлари ҳақидаги тасаввурлари;

2) зиддиятга киришаётган шериклари ҳақидаги тасаввурлари;

3) зиддиятга киришувчи ўқувчиларнинг қарама-қаршилиқни вужудга келтираётган шарт-шароитлар ва воситалар ҳақидаги тасаввурлари кабилар.

Зиддиятли вазиятларни таҳлил қилиш бир қатор сабабларга кўра ниҳоятда зарур:

- зиддият жараёнида спортчининг ташқи ва ички мавқеи қандай бўлиши керак, шунингдек, зиддиятли вазият белгиси нарсаларнинг объектив ҳолатидан қандай фарқланиши лозим;

- зиддиятли вазиятларнинг объектив белгиси қуйидагиларни аниқлаш имконини беради:

1) зиддият иштирокчиларининг тавсифи, уларнинг бир-бирлари билан муносабатлари жараёнида амалга оширадиган ҳаракатлари; 2) зиддиятнинг давом этиш шароитлари;

- зиддиятли вазиятлар белгиси ҳақидаги билимлар, кўникмалар, зиддиятлар вужудга келишининг бошланғич даражасида уларнинг олдини олиш самарали ечимлар топиш имконини беради. Нима ҳисобига зиддиятни тез ва самарали бартараф этиш мумкинлиги кабилар.

Зиддиятларни бартараф этиш учун мураббий спортчилар томонидан бажариладиган қарама-қарши ҳаракатларнинг ўзига хос характери, уларни амалга оширишда зиддиятга киришувчи спортчиларнинг фаоллик даражаси, мазкур ҳаракатларни йўналганлигини яхши билиши лозим. Шу билан бир қаторда, мураббий спортчилар орасидаги зиддиятларнинг ривожланиш маромини ҳам билиши зарур. Чунки, мазкур ривожланишда зиддиятнинг тараққиёт босқичлари аниқ намоён бўлади. Спортчилар орасидаги зиддиятларнинг ривожланиши қадриятли йўналишлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бажарадиган ролларнинг характери, спортчининг динамик ҳолати, фаолият йўналишларининг мазмунига боғлиқ. Бу эса спортчиларнинг зиддият жараёнида бажарадиган ҳаракатларини аниқлаш имконини беради.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Сулимова Т.С. Социальная работа и конструктивное разрешение конфликтов. – М.: Институт практической психологии. 1996. – 170 с.

Кузьмина Н.В. Акмеологические основы развития коммуникативной культуры и творческой готовности бакалавра, магистра, специалиста: монография. –СПб.: Изд-во НУ «Центр стратегических исследований», 2015. – 316 с.

17. ББ Маъмуров. Аксиологический подход в подготовке будущих педагогов к проектированию учебного процесса.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&citation\\_for\\_view=SqSdKDAAAAAJ:W7OEmFMylHYC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&citation_for_view=SqSdKDAAAAAJ:W7OEmFMylHYC)

18. ББ Мамуров. МЫСЛИТЕЛИ ВОСТОКА О ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&citation\\_for\\_view=SqSdKDAAAAAJ:Y0pCki6q\\_DkC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&citation_for_view=SqSdKDAAAAAJ:Y0pCki6q_DkC)

19. А Маманазаров, В Мамуров, В Madrimov, М Маманазаров, G Ulmasova.

Гуманитарные Основания Личностного Развития Студентов В Образовательном Процессе По Физической Культуре.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&citation\\_for\\_view=SqSdKDAAAAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&citation_for_view=SqSdKDAAAAAJ:u-x6o8ySG0sC)

20. ББ Маъмуров. Основные требования к качеству высшего педагогического образования. <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-trebovaniya-k-kachestvu-vysshego-pedagogicheskogo-obrazovaniya>

21. ББ Маъмуров. Нравственно-эстетическое воспитание учащихся средствами литературных произведений. [http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis\\_nbuv/cgiirbis\\_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20](http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis_nbuv/cgiirbis_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20)

[http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis\\_nbuv/cgiirbis\\_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP\\_meta&C21COM=S&2\\_S21P03=FILA=&2\\_S21STR=Otros\\_2018\\_4\\_9](http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis_nbuv/cgiirbis_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP_meta&C21COM=S&2_S21P03=FILA=&2_S21STR=Otros_2018_4_9)

22. ББ Маъмуров. Нравственно-эстетическое воспитание учащихся средствами литературных произведений. <http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi->

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

[bin/irbis\\_nbu/cgi/irbis\\_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP\\_meta&C21COM=S&2\\_S21P03=FILA=&2\\_S21STR=Otros\\_2018\\_4\\_9](http://bin/irbis_nbu/cgi/irbis_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP_meta&C21COM=S&2_S21P03=FILA=&2_S21STR=Otros_2018_4_9)